



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

# ЖАММИЯТ

№ 18  
(889)  
2024 йил  
25 апрель,  
Пайшанба

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДА ЯНГИ МИЛЛИЙ ТИЗИМ

### унинг ҳуқуқий, ташкилий ва маънавий-маърифий асослари

Мамлакатимизда кейинги йилларда ижтимоий ҳимоянинг инсон қадрини таъминлашга том маънода хизмат қиладиган янги миллий тизимга асос солинди. Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” монографиясида адолатли ва қучли ижтимоий сиёсатга асосланган ушбу тизимнинг мазмун-моҳияти ҳамда имкониятлари кенг очиб берилган.

#### Парламент ҳаёти

#### Ҳуқуқий асослар

Кейинги йилларда ўндан ортиқ давлатнинг бу соҳадаги амалиёти ва халқаро тажриба чуқур ўрганилди, ушбу ишга малакали миллий ҳамда хорижлик экспертлар жалб қилинди. Таҳлиллар одамлар ташвишининг ичига кирмаган, ўздан ўтказмаган эски тизим тубдан ўзгариши кераклигини, ўз навбатида, ижтимоий ҳимоянинг янги миллий тизimini яратиш мураккаб ва қамровдор жараён эканини кўрсатди.

Шу маънода, ижтимоий ҳимоя миллий тизimini шакллантириш учун мустақкам ҳуқуқий асос яратилгани жуда муҳим. Бу ўринда, аввало, 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган референдумда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция-мизнинг 1-моддасида Ўзбекистон – ижтимоий давлат экани белгилаб қўйилганини қайд этиш лозим.

Шу асосда мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб олинди:

- ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;

- мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

- аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

- ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;

- аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш;

- ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиётини жорий этиш.

Шунинг учун ўтган қисқа даврда ижтимоий сиёсат йўналишида қабул қилинган қонунлар сони икки баробар кўпайди. Бу борада 1992–2016 йилларда 24 та қонун қабул қилинган бўл-

са, 2017–2024 йилларда айна кўрсаткич 44 тани ташкил этмоқда.

Янги қонунлар ижтимоий сиёсатнинг турли соҳаларига тааллуқлидир. Хусусан, охири етти йилда меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолининг бандлиги соҳасида – 11 та, ижтимоий таъминот ва ҳимоя соҳасида – 9 та, соғлиқни сақлаш соҳасида – 12 та, таълим соҳасида – 8 та қонун қабул қилинган.

Юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ана шу қамровдор ҳуқуқий асосга таянган ҳолда мунтазам такомиллаштирилмоқда. Айниқса, ижтимоий ҳимоя соҳасига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётини ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

#### Ташкилий асослар

Янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган “ижтимоий давлат” тамойилларини инобатга олган ҳолда, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизimini жорий этиш давр талабига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгани худди шу долзарб талабга нисбатан ўзига хос ҳозиржавоблик ифодаси бўлди.

Ушбу агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органидир. Президентимиз 2023 йил 1 июнда қабул қилган “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизimini йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон билан агентликнинг:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш



тизимини такомиллаштириш;

- вояга етмаган болаларни, аёлларни ҳимоя қилиш тизimini такомиллаштириш;

- ёшлар, яқка ёлғиз кексалар ва оғир ҳаётини вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш;

- ижтимоий таъминот дастурларини юритиш каби асосий фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 сентябрдаги “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан эса ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоянинг манзиллиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоийлашувини таъминлаш кўзда тутилган.

Қарор билан 2023 йил 15 октябрдан бошлаб дастлаб 28 туман (шаҳар)да эксперимент тариқасида ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатишнинг янги тизими йўлга қўйилиши белгиланди. Бу ижтимоий хизматлар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ижтимоий ходимлар гуруҳлари томонидан кўрсатилади.

Бунга қадар Президентимизнинг 2022 йил 25 июлдаги фармонида асосан ҳозирги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги таркибида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилганини ҳам эслатиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2023 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганлиги муносабати билан айрим вазирлик ва идораларнинг аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш соҳасидаги функцияларини оптималлаштириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш жараёнида давлат органларининг такрорланувчи вазифа, функция ва ваколатларини бартараф этиш мақсадида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тугатилди. Собиқ жамғарма даромадларини шакллантиришнинг тегишли манбалари Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасига йўналтирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯДА ЯНГИ МИЛЛИЙ ТИЗИМ

## УНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

## Ижтимоий ҳимоя миллий тизими ва парламент назорати

Миллий парламентимизнинг ижтимоий ҳимоя тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини иккита йўналишдаги фаолияти билан баҳолаш мумкин. Биринчи йўналиш, ижтимоий соҳадаги кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, яъни қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан иборат бўлса, иккинчи йўналиш, соҳага оид қонунлар устидан парламент назоратини амалга оширишни назарда тутди.

Олий Мажлис палаталари ижтимоий соҳа бўйича ишлаб чиққан, қабул қилган ва маъқуллаган қонунлар сони кейинги йилларда кескин ортгани ҳақида юқорида тўхталдик. Айни соҳадаги қонун ижодкорлиги жараёнлари узвий давом этмоқда.

Бунга битта мисол: Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ҳамда Сенатга юборилди. Мазкур қонунда ҳам ижтимоий ҳимоя нуқтаи назаридан бир қатор енгилликлар ва имкониятлар мустаҳкамланган.

## Хўш, қонундаги асосий янгиликлар нималардан иборат?

Биринчидан, ушбу қонун билан “Ижара тўғрисида”ги қонунга ижарачининг ногирон бўлиб қолганлиги ижара шартномасини тугатиш учун асос бўлишини бекор қилишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Иккинчидан, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунда пенсионерга ҳисобланган, лекин унинг томонидан талаб қилиб олинмаган пенсия суммасини тўлаш муддатини ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача узайтириш, шунингдек, фуқароларнинг пенсия тайинлаш учун Адлия вазирлиги давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилиш ҳуқуқи назарда тутилмоқда.

Учинчидан, қонунда пенсиянинг энг кам миқдори энг кам истеъмоладан харажатлари даражасидан оз бўлмаслигини белгилаш, пенсиялар миқдорини йил давомида товарлар ва хизматларнинг истеъмоладан нархлари индекси даражасининг ўсиш суръатларини инобатга олган ҳолда

ошириб бориш тартиби, маҳкумларнинг озодликдан маҳрум қилинган даврда амалга оширган фаолияти даврини пенсия олиш ҳуқуқини берадиган фаолият тури сифатида ҳисобга олишга доир талаб ҳам аниқланмоқда.

Шу билан бирга, “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга фуқарода давлат пенсия таъминоти ҳуқуқи юзага келганлиги тўғрисида Пенсия жамғармаси томонидан Халқ банкига ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган маълумотлар фуқаронинг пенсия тўловларини олиши учун асос бўлишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур қонун янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат принципини амалга оширишга қаратилган. У кучга киргач, албатта, пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтириш, фуқароларнинг электрон давлат хизматларини мустақил равишда олиш имкониятини кенгайтириш, пенсия миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилишда инфляция даражасини ҳисобга олиш тизимини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижара муносабатларига оид ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Парламент назорати масаласига келсак, Қонунчилик палатаси томонидан биргина 2023 йилда ўтказилган 20 та “Парламент эшитуви”нинг 8 таси бевосита ижтимоий ҳимояга оид қонунчилик ижроси ҳолати таҳлиliga бағишланди. Ўтган йилда, шунингдек, соҳага тааллуқли масалалар юзасидан 15 та “Парламент сўрови”, 8 та “Ҳукумат соати” тадбирлари амалга оширилган.

Қонунчилик палатаси депутатлари 2020–2023 йилларда давлат органларининг мансабдор шахсларига 1 минг 244 та “депутат сўрови” юборган бўлса, шундан 513 таси ижтимоий соҳа муаммоларига тегишлидир. Шу муддат давомида халқ ноибларининг сайлов округларидаги учрашувлари асносида аҳоли томонидан ижтимоий соҳага оид 18 минг 689 та масала кўтарилган ва шундан 8 минг 616 таси ижобий ҳал этилган.

## Ижтимоий ҳимоя адолатли бўлиши учун – адолатли мониторинг муҳим!

Афсуски, эски ижтимоий ҳимоя тизимида одамларга умид бериш, ҳаётини яхшилаши, банд бўлишига кўмаклашиш энг охириги ўринга тушиб қолган экан. Ушбу соҳа 30 йил олдинги тизимда қолиб кетган, фақат давлат ажратган пулни тарқа-

тиш билан шуғулланган.

Бундай номақбул ёндашув айрим одамларни ўзини ўнглаб олишга эмас, ёрдам кутиб яшашга, боқимандалikka ўргатиб қўйган. Мисол учун, меҳнатга лаёқатли кишиларга ҳам нафақа тўлаб келинган. Ногиронлиги борларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, касбга ўргатиш орқали ҳаётга қайтаришга етарлича эътибор берилмаган.

Шу билан бирга, вилоят ва туман ҳокимлари ушбу шахсларга ёрдам бериш, уларнинг уюшмалари ва ташкилотлари билан мулоқот қилиш, шароит яратиш билан етарлича шуғулланмаётгани кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда, шунингдек, ота-она меҳрига муҳтож болаларга ғамхўрлик масалалари кўриб чиқилди. Бугунги кунда ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни эътибордан четда қолдирмаслик учун кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шунга қарамай, қуйи бўғиндаги эътиборсизлик оқибатида жойларда қаровсиз қолиб кетган болалар аниқланаётгани қайд этилди. Ҳозирда уларга васийлик белгиланмоқда. Ота-онаси миграцияда бўлган, ноқулай ижтимоий муҳитдаги оилаларда тарбияланаётган, руҳий-жисмоний ривожланишида муаммоси бор болаларга ёрдам тизимини такомиллаштириш зарур.

Давлатимиз раҳбари ота-она меҳрига муҳтож болаларни тарбиялаш бўйича бир қатор вазифаларни кун тартибига қўйди. Хусусан, энди жойларда васийлик ва ҳомийлик масалалари, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар билан маҳалладаги ижтимоий ходимлар шуғулланади. Етим ва назоратсиз қолган болаларни қарамоққа олиш бўйича “ихтисослашган тутинган оила” тизими жорий этилади. Ихтисослашган 160 та таълим муассасасида босқичма-босқич “ғамхўрлик” гуруҳлари ташкил қилинади.

Ота-онасидан айрилган йигит-қизларга кўмаклашиш тизими ҳам ўзгаради. Энди “Ёшларга ҳамроҳлик” дастури асосида уларни қўллаб-қувватлаш 23 ёшгача эътиб белгиланади.

Ички ишлар тизимидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари “Ҳаёт мактаби” сифатида қайта ташкил қилинади. Улар тарбияси оғир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича комплекс хизмат кўрсатадиган масканга айлантирилади.

## Маънавий-маърифий асослар

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш

қўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ЯИМга нисбатан 2 баробар ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробар кўпайди. Шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларнинг парвариши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Жорий йил 1 июндан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгаради. Бунда эҳтиёжманд тоифани аниқлаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилади ва уларнинг айнан қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгилаб берилади.

Биз Президентимиз ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга татбиқ этилаётган мутлақо янги Ижтимоий ҳимоя миллий тизимининг бир қатор хусусиятларига муҳтасар тўхталдик. Бу ҳақда сўз борганда, шунингдек, соҳадаги теран ислохотлар ҳақида ахборот-тушунтириш ишларини янада кучайтириш зарурлигини унутмаслик керак.

Бунинг учун тизимдаги саводсизликка тез фурсатларда барҳам бериш, барча давлат идоралари сайтларини ногиронлиги бўлган инсонлар учун қулай шаклга келтириш, ногиронлиги бўлган инсонлар ҳаёти ва эришган ютуқлари тўғрисида таъсирчан медиаконтент, фильмлар тайёрлаш, телеканалларда информация, айниқса, болалар дастурлари эфирининг муайян қисмини сурдо-таржима, субтитр ёки “югурувчи сатр” билан намойиш этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож одамлар қалбида ўзига ишонч ва қатъият туйғусини оширадиган бадиий асарлар яратиш, маънавият ва маърифат тизимида айни соҳадаги тушунтириш-тарғибот ишларига тубдан янги ёндашиш тақозо этилади.

Янги ижтимоий ҳимоя миллий тизимининг яна бир ўзига хос хусусияти соҳадаги минтақавий ва халқаро ҳамкорлик самараларига бевосита тааллуқлидир. Бу фикримизни жорий йил 6–7 февраль кунлари Қаттарнинг Доха шаҳрида бўлиб ўтган “Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назарида озиқ-овқат адолати: воқелик ва келажак муаммолари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари халқимиз, давлатимиз, Президентимиз Ўзбекистонда ва бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳар бир инсоннинг адолатли асосдаги ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлашга содиқ эканини эътироф этганлари ҳам яққол тасдиқлайди.

Акмал САИДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси Спикерининг биринчи  
ўринбосари

Ушбу кунни нишонлаш тўғрисидаги қарор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган.

БМТ ушбу Халқаро кунни муносиб тарзда нишонлашни ҳамда маърифий тадбирлар орқали тинчлик учун кўп томонлама муносабатлар ва дипломатиянинг афзалликларини тарғиб қилишни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзо давлатлари ва қузатувчиларга, халқаро ва минтақавий ташкилотларга, шунингдек фуқаролик жамияти, нодавлат ташкилотларга таклиф этади.



## ЭНГ УЛУҒВОР ТАШАББУС

Мазкур байрамни белгилашдан кўзланган асосий мақсад, тинчлик йўлидаги ҳар қандай ташаббусларни ҳамда турли даражадаги ва характердаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш усулларини омма-лаштириш ва бу орқали низоларни ҳал қилишда дипломатик усулларнинг ҳақиқий афзалликларини кўрсатишдан иборат.

Халқаро муносабатлар энг қадимги замонларда ҳам ҳар қандай жамият, давлат ва ҳаттоки, алоҳида инсоннинг ҳаётида ўта муҳим роль ўйнаб келган. Миллатларнинг келиб чиқиши, турли ижтимоий тартибларнинг шаклланиши, сиёсий тизимларнинг ўзгариши, турли маданиятларнинг интеграцияси ва ўзаро таъсири, фан ва санъатнинг ривожланиши, иқтисодий ва технологик тараққиёт, давлатларaro чегараларнинг юзага келиши, давлатлар ўртасидаги тўқнашувлар ва ҳамкорлик – буларнинг барчаси халқаро муносабатлар ва дипломатик алоқалар билан бевосита боғлиқ.

Халқлар ўртасидаги тинчлик – бу амалга ошириб бўлмайдиган утопия эмас, балки ҳар кун бажарилиши керак бўлган глобал ишдир. Тинчлик одамлар учун иқтисодий, сиёсий, маданий ва диний яшаш шароитлари мақбул бўлган жойда гуллаб-яшнайдиган. Бинобарин, тинчликни мустаҳкамлашнинг кўпгина усуллари мавжуд, хусусан, қийин вазиятдаги мамлакатларга савдо ва иқтисодий ривожланишда кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига ҳурматни рағбатлантириш, тафовутлар ва уйғунликда биргаликда яшаш зарурати мавзуси бўйича имкон қадар маърифий чора-тадбирларни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозир иқтисодий, молиявий, сиёсий, маданий соҳалардаги глобал интеграция даври бўлиб, шу пайтгача мисли кўрилмаган даражада халқаро муносабатлар аҳамиятининг ўсишини рағбатлантирмоқда. Ахборот ва бошқа соҳаларга оид замонавий технологиялар туфайли алоҳида инсон, алоҳида шахс халқаро муносабатларнинг оддий объектидан уларнинг тўла қимматли субъектига айланмоқда. Янги ижобий имкониятларнинг яратилиши ҳамда глобал хавфсизликка нисбатан янги таҳдидлар ва чақирикларнинг юзага келиши халқаро муносабатларнинг бутун тартибини тубдан ўзгартирмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти асосланган қадриятлар ва мақсадлар халқаро тинчлик, хавфсизлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

БМТ Уставида кўп кўптомонламалик замонавийлик муаммоларини ҳал қилувчи ёндашув сифатида мустаҳкамланган бўлиб, бу эса уни “халқларнинг саъй-ҳаракатлари уйғунлаштирилган марказ”га айлантиради.

БМТ ташкил топган пайтда унга 50 та давлат аъзо бўлган ва уларнинг Уставида акс эттирилган давлатларнинг суверен тенглиги; халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш; куч билан таҳдид қилиш ёхуд уни ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши қўлайдиган халқаро муносабатлардан воз кечиш принципларига мувофиқ фаолият юритиш мажбуриятини олган.

Бироқ, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, хусусан, БМТ ташкил топган пайтдан бошлаб ўтган йиллар мобайнида кўплаб воқеалар содир бўлди, бунинг оқибатида дунёнинг сиёсий харитасидан баъзи мамлакатлар чиқиб кетди, бошқалари пайдо бўлди. Бундай ўзгаришлар натижасида БМТнинг янги аъзо-давлатлари кўпайиб, уларнинг сони 193 тага етди. Шу жумладан, Ўзбекистон ҳам 1992 йилда БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Ҳар қандай дипломатия каби кўптомонлама дипломатия ҳам мамлакатлар ўртасидаги муайян масалалар бўйича келишувлар ва уларнинг натижалари бўйича тузилган халқаро шартномаларга асосланади. Халқаро шартномалар ҳуқуқининг энг аҳамиятли манбаларидан бири БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан 20 йил давомида ишлаб чиқилган 1969 йилги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси ҳисобланади. Конвенция шартномаларнинг белгиланиши, тузилиши, ўзгартирилиши, талқин қилиниши ва умумий қўлланиши бўйича кенг қамровли қоидалар, тартиб-таомиллар ва раҳбарий принципларни белгилайдиган қатъий йўриқномага айланди. Ўзбекистон мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясига қўшилиш ҳақида”ги 29-1-сон қарорига мувофиқ қўшилган. Мана ўттиз йилдирки, Ўзбекистон кўп томонлама дипломатия соҳасида озми-кўпми шиддат билан ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон давлатлар ўртасида, айниқса, Марказий Осиё минтақаси бўйича қўшни давлатлар ўртасида дўстона қўшничилик муносабатла-

рини қуришга, барқарорлик, хавфсизлик ва алоқа қилишнинг барча йўналишларида самарали ҳамкорликка устувор аҳамият қаратади. Ўзбекистоннинг минтақа ҳудудида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича ташаббусларидан бири БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилда бўлиб ўтган 48-сессиясида илгари сурган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиш тўғрисидаги ғоясидир. Ушбу ташаббус жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда 2006 йилда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу Ўзбекистоннинг биринчи ташаббусларидан бири эди.

XXI асрнинг жадал ўзгарувчан турмуш шароитларини ва халқаро муносабатларда сиёсий, геосиёсий, иқтисодий, инвестициявий, иқлимий, эпидемиологик, экологик, туризм ва бошқа йўналишлар сонининг ортиб бораётганини эътиборга олиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, кўп томонлама ҳамкорликни кучайтириш зарурати ҳам ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг замонавий ташки сиёсати ҳам фаоллашмоқда. Ўзбек дипломатияси миллий манфаатларнинг халқаро ва умуман бутун глобал ҳамжамиятнинг манфаатлари билан мос келишини излашга асосланади. Ушбу ёндашув нуқтаи назардан Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари қабул қилинган ўзининг халқаро ташаббусларини илгари суради. Хусусан, 2018 йилда “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” ва “Маърифат ва диний бағрикенглик”; 2019 йилда “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш”; 2021 йилда “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш”. Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан қабул қилинган резолюциялар унинг халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият экология, туризм, инсон ҳуқуқларини ривожлантириш ва бошқа йўналишларни янада ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларининг халқаро тан олингани-

дир.

Ўзбекистон ҳукумати Марказий Осиё минтақасида тинчликка эришиш йўлида муҳим қадамлар ташламоқда, шунингдек МДҲ ва ШХТ сингари ташкилотлар майдонларида фаол ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистоннинг МДҲга раислиги йилида (2020 й.) МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда 2030 йилгача МДҲ Иқтисодий ривожланиш стратегияси, шунингдек Ташкилот доирасида ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш бўйича бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ўзбекистон ШХТга асосчиларидан бири сифатида унинг фаолиятида ҳам фаол ва самарали ривожланмоқда. 2021–2022 йилларда Ўзбекистон яна бир бор ШХТга раислик қилди. Бу давр мобайнида раислик қилувчи мамлакат томонидан ҳам стратегик, ҳам амалий хусусиятга эга бўлган 30 дан ортик ШХТ ҳужжатлари имзоланиши учун ташаббус кўрсатилган, келишиб олинган ва тайёрланган. Барча таклифлар ШХТ маконида бирдамлик, барқарор ривожланиш ҳамда дўстлик ва дўстона қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, улар иштирокчи-давлатлар манфаатларига мос келади. Саммит якунида ШХТга аъзо давлатларнинг узок муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномасини амалга ошириш бўйича 2023–2027 йилларга мўлжалланган Комплекс ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаолиятини кўриб чиқиш натижасида шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатнинг тинчлик йўлидаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш шартларига асосланган кўп томонлама дипломатияга содиқдир.

Демак, қайд этиш керакки, дипломатик механизмлар ва халқаро музокаралар — муаммоларни ҳал қилишнинг асосий усули бўлиши зарур.

Лобар РЎЗИКУЛОВА,  
Нонна САФАРОВА  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази ходимлари

Инсон умргузаронлик қилар экан, жамиятнинг бошқа аъзолари билан турли муносабатларга киришади. Ушбу муносабатлардан энг асосий қисми бу меҳнат муносабатлари ҳисобланади. Меҳнат муносабатлари ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос тури бўлиб, ишчи ва иш берувчи ўртасида юзага келади ҳамда тегишли нормалар билан тартибга солинади. Мамлакатимиз ўз ҳудудидаги инсонлар учун бир қатор ҳуқуқ ва эркинликларни тақдим этганки, улар орасида меҳнат қилиш ҳуқуқи алоҳида аҳамиятга эга.

## МЕҲНАТ муносабатларида жазо чоралари нима?



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида келтирилганидек: Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Яъни, ҳар бир инсон ўзи истаган меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун зарур барча шарт-шaroитлар яратилади ҳамда ушбу меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳам барча ходимларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши таъминланади. Юқоридаги норма ижросини тўлиқ амалга ошириш мақсадида Меҳнат кодексига ходимлар учун иш вақти, дам олиш кунлар ва иш ҳақи тўланадиган йиллик таътиллари аниқ белгилаб қўйилган. Статистика маълумотларига қараганда 2023 йил январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари сони 19 644 011 нафарни ташкил этган.

Меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар билан бир қаторда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган, аммо иш топа олмаётганлар учун ҳам меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бунда, касаба уюшмаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги алоҳида ҳисса қўшиб, Ўзбекистон Республикаси бандлик ҳамда меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий сайти орқали ишлаш истагида бўлган фуқароларнинг бандлиги таъминланмоқда. Амалга оширилаётган мазкур чора-тадбирлар учун ҳуқуқий асос конституци-

ямизнинг 43-моддасида келтириб ўтилган: давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

Жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солишда жазо чоралари муҳим аҳамият касб этади. Албатта, меҳнат муносабатлари ҳам бундан мустасно эмас. Меҳнат муносабатларида жазо иш берувчи томонидан ходимга нисбатан, у содир этган ҳуқуқбузарлик ёки ишда йўл қўйган хатолари учун қўлланилади. Бу жазо чоралари суд органлари томонидан қўлланиладиган жазо чораларидан фарқ қилиб, интизомий жазо ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида меҳнат қилиш билан алоқадор бўлган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси ва бошқа тегишли қонун ҳужжатлари ёрдамида тартибга солинади. 2023 йил 30 апрель санасидан кучга кирган Меҳнат кодексининг янги таҳририда интизомий жазолар мазкур кодекснинг 18-бобидан жой олган. Интизомий жазо чоралари 3 хил кўринишда бўлиши мумкин: ҳайфсан, жарима ва меҳнат шартномасини бекор қилиш. Юқорида таъкидланган жазо чоралари ходимга у меҳнат интизомини бузган ҳолларда қўлланилади.

Меҳнат интизомини бузиш ҳақида тўхталиб ўцак, бу ходимнинг ўзига юклатилган вазифаларини айбли равишда ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, қилмиш йўли билан бажармаслиги назарда тутилади ва интизомий жазо қўлласизга сабаб бўлади. Ходим куйидаги ҳолларда меҳнат интизомини бузган деб ҳисобланади:

1. Меҳнат кодексига баён этилган талабларни, ички меҳнат тартиби қоидаларини, интизом уставига кўрсатилган талабларни, хизмат йўриқномаси ёки меҳнат шартнома-

сининг шартларини бузган бўлса.

2. Қасдан ёки эҳтиёцсизлик оқибатида ўз хизмат вазифаларининг бузилишига сабаб бўлувчи айбли хатти-ҳаракат содир эца.

3. Корхонада белгилаб қўйилган умумий тартиб-қоидаларни бузган

бўлса.

Интизомий жазо чоралари ичида энг энгил жазо чораси ҳайфсан ҳисобланади. Жарима – ходимга иқтисодий таъсир ўтказиш орқали интизомга риоя қилишга чақириш мақсадини кўзлайдиган интизомий жазо тури. Қонунчиликда жариманинг энг кам миқдори белгиланмаган, бироқ ходимга нисбатан қўлланилаётган жарима солиш миқдори айбдор бўлган ходим ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортик бўлиши мумкин эмас. Лекин, агар корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида бевосита назарда тутилган меҳнат интизомини бузиш ҳолатлари кузатилса, жарима миқдори ходим ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача қилиб белгиланиши мумкин. Меҳнат шартномасини бекор қилиш энг оғир турдаги интизомий жазо ҳисобланиб, ходимнинг ишдан бўшатилишини назарда тутлади.

Санаб ўтилган жазо чораларини қўллашнинг алоҳида тартиби мавжуд ҳамда улардан қайси бирини танлаш иш берувчининг ўзига боғлиқ. Унга кўра, ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўллашдан аввал ундан ёзма тушунтиришни талаб қилиш лозим. Ходим ёзма тушунтиришни рад этган тақдирда, интизомий жазо гувоҳларни кўрсатиб, далолатнома билан бирга расмийлаштирилади, яъни ходимнинг ёзма тушунтириш тақдим этишдан бош тортиши унга нисбатан жазо чораси қўлланилмаслигини аниқламайди ва жазо иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши талаб этилади. Шунингдек, битта интизомий қилмиш учун фақат битта интизомий чора қўллашга рухсат этилади ва жазони тайинлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган: содир этилган қилмишнинг оғир-енгиллиги, қай ҳолатда содир этилганлиги, ходим-

нинг ишдаги ҳуқуқ-атвори каби меҳнат муносабатлари мавжуд. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, интизомий жазо фақат иш берувчи томонидан қўлланилиши мумкин. Агар интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги иш берувчининг буйруғи қабул қилинган, ходим буйруқ билан таништирилмас, у интизомий жазоси бўлмаган ҳисобланади. Шу сабабли, иш берувчи мазкур буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида ходимга жазонинг сабаблари кўрсатилган ҳолда имзо қўйдириб буйруқ билан таништириб чиқади. Таъкидланган жараён Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 313-моддасида акс этирилган.

Ходим интизомий қилмиш содир этгандан сўнг, унга нисбатан жазо чорасини қўллаш мумкин бўлган муддат қилмиш содир этилган кундан бошлаб 6 ой ҳисобланади ва муддат ўтгач ёхуд қилмишнинг содир этилганлиги 6 ой ичида фош бўлмаса, ушбу интизомни бузиш ҳолати учун жазо қўлланилмайди. Шу билан бир қаторда, интизомий жазо чоралари қилмиш аниқланганидан сўнг бир ойдан кечиктирилмаган ҳолда, зудлик билан қўлланилади. Ҳуқуқбузарлик аниқланган сана хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома комиссия томонидан имзоланган кун ҳисобланади.

Шуни билиш муҳимки, иш берувчи ўзининг ташаббуси ёки ходимнинг, меҳнат жамоаси ёхуд касаба уюшмаси кўмитасининг илтимосномасига кўра жазони муддатидан олдин тугаллаши мумкин. Бундай ҳолатда, иш берувчи жазо чорасини муддатидан аввал олиб ташлаш ҳақида буйруқ расмийлаштириши лозим.

Қонунчилигимиз инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлаш учун хизмат қилар экан, бир вақтнинг ўзида унга меҳнат жараёнида маълум тартиб-қоидаларга амал қилиш мажбуриятини ҳам юклайди. Шубҳасиз, мажбуриятларга амал қилмаслик тегишли жазо чораларига дучор бўлишга олиб келади. Аммо, шуни билиш муҳимки, мазкур жазо чораларининг мақсади шахсларни интизомий талабларга риоя этиш ва ишга масъулият билан ёндашиш руҳида тарбиялаш бўлиб, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини чеклашни назарда тутмайди ва жазо чоралари фақатгина жазони қўллашга ваколатли шахс — иш берувчи томонидангина амалга оширилади.

**Жозиба БАХТИЁРОВА,**  
Тошкент давлат юридик  
университети Хусусий ҳуқуқ  
факултети 1-курс талабаси

## САМИМИЯТ ОРОЛИГА САЁХАТ:

хокисор «японлар», қошиқ  
ботмас қатиқ, сийланган «ўғри»  
ва «юқумли» табассум...

Юрган дарё дейдилар... Бир сафар хизмат тақозоси билан Навоийнинг Қизилтепасига борадиган бўлдик. Ёз ойлари эди.

— Жуда иссиқ жойлар, гармсел эсади... роса қорайиб келаркансиз, — дейди меҳмонхонадаги қўшним нонушта чоғида бош чайқаб. — Ҳа, айтганча, у ёққа борсангиз, Зарметаннинг қатиғидан ичмай келманг, бу Қаршига бориб, тандир емай келган билан тенг, — деб беғараз маслаҳатини бериб қолди, асли қашқадарёлик тасодифий танишим.

Машинада кондиционерни кучайтириб кетарканмиз, жазирама сезилмади, ҳисоби. Биз йўл ҳақида кўрсатув тайёрламоқчи эдик ва манзилга борадиган ўша йўлнинг текис ва равонлиги бизнинг «йўлимизни» қисқартиргандек бўлди. Пойтахтда ижод қилиб, амалдорларнинг жиддий қиёфасидан дийдамит қотган, навбатдаги учрашувга ўзимизни мослаб, йўл таъмирлаш корхонасига борсак: идора олдида одми кийинган бир киши ўтирган экан.

«Сизларни кутиб олиш менга тайинланган эди. Исми Рустам, мен раҳбар ўринбосариман», деганига, уни камтар ишчи либосига, кўринишига қараб, бошдан оёқ тикилиб, дарров ишонқирамадик. У эса бизни ўзи каби оддий «Тико» уловига бошлади.

Аммо ўша лаҳзадан бошлаб, табиатан одамохун, самимий бу инсон билан ҳамроҳ бўлиб, йўлларни кўздан кечириб бошлашимиз билан илк қарашимиз умуман бошқа тарафга ўзгарди. Йўл қурилишидаги тажрибаси, мулоҳазалари билан, энг асосийси, ўзининг самимияти ва одамлиги билан Рустам ака бизда илиқ таассурот қолдира бошлади.

Ўша учрашувдаёқ бу инсонни негадир японларга ўхшатган эдим. Рустам ака биздаги одатий, раҳбарларнинг гўдайдиган, пўрим ва жиддий қиёфасига мос келмасди. У бундан кўра оддийлиги, камтарлиги билан кинолардаги хокисор япон ҳамкасбларига ўхшаб кетарди.

Йўлда кета туриб, бу беғуборликка яна бир бор гувоҳ бўлдик. Бир ҳовли ёнида ўрик шамолда тўкилиб, олтиндай товланиб турарди. Рустам ака тўғри машинани ўша ерда тўхтатиб, уларни тера бошлади. Мен ҳам беихтиёр машинадан тушдим, фақат ердаги ўрикка қаноат қилмай, дарахтдаги тозасига энди қўл чўзгандим, ҳовли дарвозаси шарт очилиб, бир аёл қарагандек бўлди. Уни кўриб индамай ортга чекиндим...

Ўрик ўғрилари бўлиб, қўлга тушдик-ку. Хижолатли ҳолатда Рустам акани имлаб чақира бошлагандим, онахон уйдан бироз ўтмай, тандирдан янги узилган иссиққина нон билан товоқ кўтариб чиқди. Ўрикларни сарасини териб, ювиб келди.

«Меҳмонга ўхшайсизлар, нон ёпаётгандим, марҳамат олинглар»... Хижолатпазлик кўтарилиб, меҳмондўст онахонни сийлови билан, Рустам акани астойдил таклифи билан иссиқ нон ва ўриқдан татидик. Бу қадар тотли уйғунликни тасаввур этиш қийин эди, ўша таъм ҳамон эсимда. Шу пайти ёнимизга ҳашаматли машина келиб тўхтади. Билсак, туман ҳокими ўринбосари экан. Ҳушмуомилалик билан: «сизларни ҳокимиятда кутгандик буёқда экансизларда», деб Рустам акага қараб, «акаларни яхшироқ жойга тушликка олиб борсангиз бўлмасмиди»... койиган бўлди «зам» ҳоким.

Узр сўраганномо бир бизга, бир чанг босган «Тико»га қараб, басавлат машинасига таклиф қила бошлади. Аммо, ўшанда катталар билан бўлади-



ган ҳашаматли тушликдан кўра, яримта нон билан ўзимиз соясида ўтирган ўрик меваларидан тоғиб, файзли кўк «Тико»да, Рустам ака билан яна ҳамроҳ бўлишни истадим. Бунга тасвирчимизнинг норози нигоҳию, катталарнинг гиналари ҳам тўсқинлик қилмади.

Онахонга раҳмат айтиб, «Тико»да йўлимизда давом эта бошладик.

— Зарметан бу ердан узоқми, сўрайман йўл-йўлакай акадан.

— Ҳозир Ванғозидан тушлик қилиб, ўша томонга ўтамиз, — дейди, Рустам ака. Ванғози деганлари ўзи бир қишлоқ бўлса-да, жуда кўркам жойлар экан. Йўлимизда учраган уч қаватли баланд иморатлар Эрон архитектурасига ўхшаб кетар, қадимий масжид билан бир қатордаги замонавий бинолар... Айтиш мумкинки бу файзли «қишлоқ», шу қиёфаси билан хоҳлаган шаҳар билан беллаша олиши мумкин экан... «Шу ерда яхши шашлик қилади», деб тўхтамоқчи бўлади Рустам ака.

Мен эса тўғри Зарметанга борсак-чи деб, ундай бошлайман. Ўша таърифланган қошиқ ботмас, косани тескари қилса тушмас қатиқдан тоғиб кўргим келарди.

Ростан, таърифлангандек экан. Қатиқ шу даражада тўйимли эдики, калорияси бемалол бир ҳисса кабобга тенг бўлса керак. Коса юзасини қоплаган қалин қаймоғига эса қошиқ зўрға ботарди. Энг асосий жиҳат, бу ердаги қатиқчи онахонлар. Уларнинг самимияти. Улар ҳам ўрик эгасидек, меҳмондўст ва илтифотли экан. Сертабассум, беғубор бу чехраларни кўриб, ўзимни гўё самимият оролига тушгандек ҳис этгандим.

Шу ўринда Рустам акани ҳам Япониядан келиб қолмаганини, у ҳам шу муҳитнинг хос вакили эканига ишонч ҳосил қилдим. Аслида иссиқ таърифи — бу манзилга эмас, у ердаги қалби қайноқ, меҳрли одамларга мос экан...

Ўйлайман, Тошкентга қайта туриб. Поездда кетаётганда, телевизор экранларидаги савиясиз клиплар асабимга тегар, хизматчига буюртма қилган яхна ичимлик кечикиши-ю, яна қанақадир ғашликлар юзимда захиллик акс эттирар эди. Шу пайт вагонда япониялик туристлар пайдо бўлди. Уларнинг йўловчиларга, айниқса болажонларга болаларча беғубор муносабатини кўриб, беихтиёр чехрам ёришгандек бўлади. Ҳаёлимга қизилтепалликлар келди.

Жазирамада йўл ёзаётган Рустам акани, қайноқ тандирдан нон узаётган онахонни, косаларга қатиқ ивитаётган опаларнинг табассуми кўз олдимга келди. Шунда кондиционер совутаётган вагон ойнасининг тангадек жойидан тушаётган қуёш нуридан норозилигим, кўнглимдаги ғашлик тумандек тарқалиб, ўрнида ажиб бир масрурлик, мамнунлик намоён бўлди. Улардан «юқтириб олган» табассум юзимга ёйилди.


Болажонлар билан ўйнаб, жажжи коптокчани оёғимга юмалатиб юбориб, қовоғимдан ҳайкиб турган қаршимдаги япон хоним ҳам, сал енгил тортиб табассумла бош ирғагандек бўлди.

— Конничива... дедим ҳазиломуз, табассумли сийлов билан хонимга. Шу билан вагондаги барчага бу табассум «юқди».

Шухрат НОРМУРОДОВ

Қилмиш-қидирмиш

# Мазмунсиз ҲАЁТ



25 ёш. Йигит  
киши учун  
айни ўқиб-  
ўрганадиган,  
касб

эгаллайдиган

давр. Ҳунари орқасидан ўзига  
ва оиласидагиларга нафи  
тегадиган вақт. Аммо баъзи  
ёшларимиз енгил-елпи ҳаёт  
кечиришга ўрганиб, охир-  
оқибатда умрини хазон қиляпти.

И.С.ни шундайлардан бири, дейиш мумкин. Сабаби, у аввал талончилик ва ўғрилиги учун судланган. Бу гал эса у фирибгарлик жиноятини содир этганлиги учун судланди.

— Ўша кунни Шота Руставели кўчасида жойлашган интернет клубга кирдим, — деди суд мажлисида жабрланувчи А.Х. — Тахминан ўн дақиқалар ўйнаб ўтирганимда ёнимга бир йигит келиб, гаплашиб олиши учун телефон апаратимни бериб туришимни сўради. Очиғи, ҳеч ёмон фикрга бормасдан бердим. Нотаниш йигит ким биландир гаплашди. Бироздан сўнг ёнимга келиб, “телефонингиз блокраниб қолибди, очиб беринг”, деди. Очиб бердим. У яна гаплашди. Мен гаплашиб бўлганидан сўнг қайтариб беради, деган ўйда компьютер ўйинини ўйнайвердим. Бироздан кейин атрофимга қарасам, бояғи йигит кўринмади. Кўчага чиқиб ҳам қидириб топа олмагач, ички ишлар органига ариза билан мурожаат қилдим. Шундан сўнг уни топишди. Кейин билсам унинг исми Рўзи экан. Рўзи мени алдаб 8.000.000 сўмлик телефонимни олган эди. Бугунги кунда унинг оила аъзолари томонидан менга етказган моддий зарар қопланган. Шунинг учун унга нисбатан ҳеч қандай даъвоим йўқ.

Суд судланувчи И.С.га жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олди. Унга жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг 2021 йил 12 августдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун иш ҳақининг ўн беш фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Бемақсад юриш, мазмунсиз ҳаёт кечирганлиги туфайли И.С. учинчи марта судланди.

Алишер ЖАЛИЛОВ,  
Жиноят ишлари бўйича  
Яққасарой туман судининг раиси

Бу рўйи заминда неки касб бўлсада, барча барчасини ўқитган, илк бора саводини чиқарган, мурғак аклига ҳаётни танитган ўша юзларидан меҳр нурлари ёғилиб турган мўътабар зот, устоздир. Бу улуғ зотлар зиммасидаги улкан масъулиятни ҳис қилиб, бутун миллат юкини елкасига ортиб, қанча машаққат чексада, ўзларидан зиё таратаверади. Шу ўринда улуғларимизнинг “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир” деган пурҳикмат сўзларини ёдга олгим келди.



## “МАКТАБ — ИККИНЧИ УЙИМ”

**Шундайлар борки, улар ҳақида қанча таъриф айтсанг, камдек туюлаверади. Барибир, уларнинг заҳматли ва шарафли меҳнатини таъриф эта олмайсан.**

Касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик экан, бугун илк бора мактаб остонасига қадам ташлаган умид юлдузи, кўзи ёник, шижоатли ёш борки, барча барчаси шу меҳрли зотларга ўхшашни истайди. Устоз ўзидаги билим, кўникма, малака, илмини қанчалик издошларига ўргатсада, ҳеч қачон ўз меҳнати қийматини моддий билан ўлчамайди. Шу боис, фидоийлик билан қилинган меҳнатнинг юксак самарасини кўришни истайверади. Хўш, устоз ва мураббийлар шунчалик қадрга ва эъзозга сазовор эканлар, биз уларни кўнглимиз истагандай, хурматини ўз ўрнига қўя олаемизми?!

Шукурлар бўлсинки, кейинги йилларда жамиятимизда ўқитувчининг нуфузи ва мақомини кўтаришга қаратилга эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда Юртбошимизнинг «Ўқитувчини хурмат қилмагани мен ҳам хурмат қилмайман» деган сўзлари ёдга тушаве-

ради. Бундай эътибор ва эҳтиромдан сўнг турли таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг ҳам миллат ёшларига таълим-тарбия беришдаги масъулияти ортмоқда ва Давлатимиз раҳбари билдирган ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қилишмоқда. Қашадарё вилояти Яққабоб туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Мақсуда опа Исмолова мана 24 йилдирки, кўзининг нуруни оқ қоғозга тўкиб, миллат болаларига ҳарф ўргатиб, қўлига қалам тутқазмоқда.

— 2000-йил Олий таълимни тугатиб, умумий ўрта таълим мактабига ишга жойлашган эдим, - Мақсуда опа. — Илк мактабга чиққан кезларимда оқ-қора формадаги ўқитувчиларни кўриб, уларга роса ҳавасим келганди. Кейин уларнинг қўлимизга қалам ушлатиб, ҳарф ёзишни ўргатганидан сўнг ўқитувчилик касбига янада меҳрим ошди. Шундай қилиб, мактабни аъло баҳоларга

битириб, ҳеч иккиланмай педагог йўналишига топширдим. Олий таълимда ҳам ҳам назарий, ҳам амалий билимлар олиб, 2000 йилдан буён мактаб иккинчи уйимга айланган.

Кези келганда, улуғ саҳобалардан бири Ҳазрати Алининг устозлар ҳақидаги қуйидаги фикрини келтиришни жоиз деб билдим: «Менга алиф ўргатган кишининг қулиман, хоҳласа, умр-бод кишанбанд қилиб ишлатсин, истаса, озод қилсин».

Яна устозлар ҳақида гап кетганда Алишер Навоийнинг байтларидан ошириб бирор сўз айтмоқ мушкулдир:

*Ҳақ йўлида ким сенга*

*бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,*

*Айламак бўлмас адо онинг*

*ҳақин юз ганж ила.*

Ҳақиқатан ҳам, Мақсуда опадек ўқитувчилик билан шуғулланаётган педагогларимизнинг меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Чунки улар бутун бошли миллатнинг илмли бўлишидаги юки оғир масъулиятни ўз бўйнига олган.

**Муроджон АБДУСАМАДОВ.**



**1 майгача минимал истеъмол харажатлари (ҳозирда 621 минг сўм) қайтадан ҳисобланиб, пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдорлари оширилади. Ноябрь ойида кам таъминланган оилаларга 270 минг сўмдан бир марталик ёрдам пули берилади. Эҳтиёжманд қатламнинг ижтимоий меъёрдан ортиқ фойдаланилган газ-свет бўйича харажатларининг бир қисми қоплаб берилади.**

## МУҲТОЖЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ?

2024 йилнинг май ойидан бошлаб аҳоли учун электр энергияси ва табиий газ тарифлар ўзгариши муносабати билан кам таъминланган оилаларга ва айрим тоифадаги истеъмолчиларга ижтимоий ёрдамлар кўрсатилади. Бу ҳақда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълум қилди.

Пенсия ва нафақаларнинг минимал миқдорлари оширилади

1 майгача бўлган муддатда ёқилғи-энергетика ресурслари нархлари ошишини ҳисобга олиб, минимал истеъмол харажатлари

қиймати қайта кўриб чиқилади.

Бунда, 1 миллионга яқин энг кам пенсия ва нафақа олувчиларнинг пенсия ва нафақа миқдорлари минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаган миқдорда қайта ҳисобланади.

Кам таъминланганларга ноябрда 270 минг сўм моддий ёрдам берилади

Аҳолининг муҳтож қатламларини иситиш мавсумида қўшимча ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун 2024 йил ноябрда “Ижтимоий ҳимоя” ягона реестри орқали бола-

лар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланган оилаларга 270 минг сўм миқдоридан бир марталик компенсация ажратилади.

Бу компенсация билан қарийб 1,5 миллионга кам таъминланган оилалар камраб олинади.

Компенсация “маҳалла еттилиги” хулосалари асосида, “Ижтимоий ҳимоя” ягона реестрига кирмаган қўшимча 200 мингдан ортиқ муҳтож оилаларга ҳам тўлаб берилади.

Бунда, “маҳалла еттилиги” томонидан муҳтож оилалар рўйхатлари

уйма-уй юрган ҳолда шакллантирилади.

Газ ва светдан базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилганда харажатларнинг бир қисми қопланади

Электр энергияси ва табиий газ бўйича қуйидаги миқдорлардаги истеъмол учун базавий меъёр доирасидаги ҳамда базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ компенсация қилиб берилади:

- табиий газ учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 250 куб метргача;

- электр энергияси учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 150 kWh гача.

Ижтимоий меъёрдан ортаган истеъмол учун компенсация олиш учун эҳтиёжманд оила “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ариза беради ва компенсация кейинги ойда ҳақиқий истеъмолдан келиб чиқиб тўлаб берилади.

Мазкур компенсация тўловлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали тўлаб берилади.

Эслатиб ўтамиз, ижтимоий меъёр электр энергияси учун ойига 200 kWh гача, табиий газ учун эса март-октябр ойларида 100 кубометргача, ноябр-феврал ойларида 500 кубометргача деб белгиланди.



# ҚАЛБЛАРГА МУХРЛАНГАН МИСРАЛАР

*О, ота маконим,  
онажон ўлкам,  
Ўзбекистон жоним  
тўшай соянгга.  
Сендек меҳрибон йўқ,  
сенигдек кўркам,  
Римни алишмасман  
бедапоянгга.*

Ушбу сатрларни ўқимаган, ақал-ли бир маротаба бўлса ҳам эшитмаган ўзбек бўлмаса керак. Муҳаммад Юсуф ижоди кириб бормаган хонадон йўқ юртимизда. Бу шеър дунёга келганига анча йиллар бўлганига қарамай, ҳали хануз ўз қийматини йўқотмаган. Аксинча, ўзбек шеърятининг бебаҳо дурдоналаридан бирига айланган.

Ватанга бўлган муҳаббатни самимий, содда, юракка тез етиб борадиган, ўқувчи хотирасида тез қоладиган беназир сўзларда ифодалаш Муҳаммад Юсуф ижодида яққол акс этади. Шоирнинг

табиатида хос ўзбекона камтаринлик, қатъият, унинг ижодида ҳам ўз ифодасини топади. Муҳаммад Юсуф юртга бўлган соғинчли, меҳрни, ҳеч бир алдовларсиз, таъмаларсиз изҳор этади. Муҳаммад Юсуфнинг феълига хос ростгўйлик, чўрткесарлик унинг ижодида намоён бўлади. Шоир шеърларини ўқир экансиз, беихтиёр унинг туйғуларига, кечинмаларига шерик бўласиз. Қадрдон бир инсонингиз билан самимий суҳбат кургандек бўласиз. Халқона, ўзбекнинг ўзи каби танти, соддадил сатрлар сизни мафтун этади, қалбингизни ларзага солади. Муҳаммад Юсуф ўз ижоди орқали ватанга бўлган севгисини, соғинчли ифодалабгина қолмай, балки шу юртда истиқомат қилаётган халқни ҳам, қалб тандиридан чиққан жамики қайноқ изҳорлар билан алқайди, эркалайди. Бу хулосаларимнинг исботи ўлароқ шо-

ирнинг “Халқим” номли шеърдан икки мисра келтираман.

*Айланайин қора қош-у,  
кўзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин халқим,  
ўзингдан-а!*

Қисқа умри давомида ўз халқининг қалбидан жой эгаллашга улгурган, самимиятини мангуликка мухрлаган шоирни қанча ёд этсак, ижодини қанча ўргансак ҳам кам. Чунки, Муҳаммад Юсуф шеърларини қайта-қайта ўқилса ҳам меъдага тегмайди, балки қалбингизни ажиб бир илиқлик эгаллайди, сўзга бўлган муҳаббатингизни оширади. Дарёқалб шоирнинг ижоди ҳар бир ўқувчини оҳанграбодек ўзига тортади.

**Гулбахор КАРОМОВА,  
Қашқадарё вилояти  
Нишон тумани 21-умумий ўрта  
таълим мактаби она-тили ва  
адабиёт фани ўқитувчиси.**

## ЖАМИЯТ

### Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология, атроф-  
муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим  
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати –  
Ўзбекистон  
Либерал-  
демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкилотлари  
миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

**Бош муҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

Газета таҳририятнинг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-410  
Адади: 1015.  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

Газетанинг полиграфик  
жихатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарқ” нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,  
Юнусобод тумани,  
Боғишамол кўчаси, 7-уй  
Маълумот учун телефонлар:  
98-111-48-29  
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6

## Фарзандини “унутган” ота

**Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-тоқатли бўлишликни, аҳилликни талаб этади. Йўқса, арзимаган гап-сўзлар, келишмовчиликлар муносабатларни емириши, ҳаётни боши берк кўчага олиб кириши мумкин.**

қараб, суд буйруғини бажармаганлиги учун отага нисбатан ҳужжатлар тегишли тартибда расмийлаштирилиб судга ўтказилади. Х.Қ.га жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди томонидан 15 сутка маъмурий қамок жазоси тайинланган. Ота суд томонидан фарзанди учун мажбурий ундирилиш керак бўлган 23.976.516 сўм миқдордаги алиментни тўлашдан қасддан бўйин товлаган. Х.Қ. эса турли баҳоналар билан фарзанди таъминоти учун белгиланган суммани бермаган. Дастлаб маъмурий жавобгарликка тортилиб, кетма-кет огоҳлантиришлардан тегишли хулоса чиқармаганлиги сабабли отага нисбатан жиноий иш қўзғатилади.

Яқинда мазкур жиноий иш судда кўриб чиқилди. Суднинг ҳукми билан Х.Қ. бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, судланувчидан жабрланувчи она фойдасига 11.011.180 сўм ундириш белгиланди.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги,

агарда ота-она таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаса суднинг ҳал қилув қарорига ёки буйруғига асосан алимент ундирилиши белгиланган. Қолаверса, жиноий жазо олган жавобгар ота фарзандлари олдидаги мажбуриятларидан озод қилинмайди.

Ҳаётда баъзида ана шундай нохуш ҳолатлар учраб турганлигига афсусланарлидир. Ўз фарзандлари тақдирига бу қадар бефарқ қарайдиган оталарнинг учраб туриши кечирилмайдиган ҳолат. Ундайларга нисбатан қонунчиликда қатъий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги ҳисобланиб, унинг мустақамлиги юртнинг келажагини белгиловчи омилдир. Шундай экан, оила бутунлигини сақлаш ва фарзандлар таълим тарбиясига ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

**Матчонбой МАТЧАНОВ,  
Жиноят ишлари бўйича  
Яшнобод туман судининг судьяси.**



Х.Қ. ширин орзу-ниятлар билан А.С.га уйланади. Орадан йиллар ўтиб ўғилли бўлишди, аммо фарзанд туғилиши оила ришталарини мустаҳкамлай олмади. Рўзғордаги майда-чуйда гап-сўзлар бора-бора оиланинг барбод бўлишига олиб келди.

Энг ёмони, ота фарзандини “унутди”. Таъминоти билан ҳеч қизиқмайди. Қийин аҳволда қолган она алимент ундириш мақсадида судга мурожаат қилади. Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг буйруғи билан Х.Қ.га вояга етмаган фарзанди учун ҳар ойда даромадининг тўртдан бир қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган. Аммо ота суднинг буйруғини бажармаган. Х.Қ. суд ижрочилари томонидан вояга етмаган фарзандига алимент тўлаши шартлиги тўғрисида бир неча бор огоҳлантирилган. Бироқ яна у фарзанди моддий таъминотига эътиборсиз

Шайх Фаридиддин Аттор Нишопурий Навоийнинг маънавий пирларидан бири эди. Чунки тасаввуф дунёсини ҳам, форс-тожик адабиёти гулшанини ҳам Атторсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат...” тазкирасига бу улуғ зотнинг айнан шайх сифатида дохил бўлиши, асарда қайта-қайта тилга олинishi табиий эди.

## БИР ДАРВЕШ САБОҒИ

Асардаги Атторга муносабат ҳам икки кўринишда намоён бўлади: аввало, бевосита Аттор ҳақидаги махсус мақола берилди, қолаверса, бошқа шайхлар ҳақидаги мақолаларда Атторни турли сабаблар билан эслаб ўтилади.

Навоий Атторни тазкирада 715-шайх сифатида келтиради. Ҳозиргача навоийшунослигимизда муаллиф шайхлар ҳақидаги мақолаларни (маълумотларни) айнан қайси қатъиятлар асосида жойлаштиргани охиригача ўрганилгани – йўқ. Бу – алоҳида тадқиқот талаб қиладиган масала. Буни “Нафаҳот ул-унс...”га қиёсан ўрганиш, Навоий турк ва ҳинд шайхларини қўшганда нимага суянганини аниқлашга илмий зарурат – жуда катта.

Аттор ҳақида маълумотларни Ҳаким Санойидан кейин келтирилади. Бу бекорга эмас. Санойи билан Аттор тасаввуф адабиётида бир муштарак йўлнинг икки пири эди.

Аттор ҳақидаги мақоладан жуда кўп муҳим маълумотларни билиб оламиз. У Мажиддин Бағдодийнинг муриди бўлган. “Тазкират ул-авлиё”ни ёзган. Баъзилар Атторни, увайсий (яъни аввал ўтиб кетган бирон авлиёнинг руҳи келиб тарбиялаган), деб ҳисоблайди, чунки Жалолиддин Румий: “Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажалли қилди ва онинг мураббийси бўлбтур”, – деб битган.

Асли касби атторлик (атирфурушлик, дорифурушлик) эди. Кейин тасаввуфий тавба қилиб, бу касбдан тамоман воз кечди. Тавбасига жиддий сабаб бор эди. Бир дарвеш унинг дўкони эшигига келиб, қайта-қайта: “Аллоҳ учун бир нарса бер”, – дейди. Аттор эътибор қилмайди. Кейин келиб: “Сен қандай ўлишингни биласанми?” – деб сўрайди ва ораларида қуйидагича савол-жавоб бўлиб ўтади:

- Сен қандай ўлсанг, шундай.
- Сен мендай ўла олмайсан.
- Қандай?
- Мана бундай!

Дарвеш шундай дейди-да, ёнида олиб юрадиган ёғоч идишини боши остига қўйиб, “Валлоҳ!” – деганича жон таслим этади. Бундан каттик таъсирланган Аттор дўкони ва ундаги бор нарсаларнинг тамом бахридан ўтиб, тариқат йўлига қиради, тахаллуסיгина унинг касбини эслатиб туради, холос.

Мавлоно Жалолиддин Румий Маккага кетаётганида ҳозирги Эроннинг Нишопур шаҳрида кекса Аттор билан учрашади. Шайх унга ўзининг “Асрорнома” дostonини беради. Мавлавий доим бу китобни ўзи билан

бирга олиб юрар экан. Ҳақойику маорифда, яъни тасаввуфий мавзуларда асар битишда Румий Атторга пайравлик (издошлик) қилган.

Абдурахмон Жомийнинг таърифи-ча, “тавҳид асрори ва азвоқу мавожди ҳақойиқининг адоси ва гуфту гузори” Аттор маснавийлари, ғазалиёти ва бошқа назмий асарларидагичалик ҳеч кимнинг ижодида ёритилган эмас. Англашиладики, ҳеч ким адабиётда тасаввуфни Атторчалик тарғиб ва ташвиқ қилмаган.

Навоий Атторнинг 20 байтдан ортиқроқ бир қасидасига озгина изоҳ беради. Гапларидан маълум бўладики, бу асарга тасаввуф илмида замонининг яғонаси бўлган Хожа Ҳофиз Али Жомий шарҳ битган. Навоий ёшлигида ана шу олимга шогирд тушиб, баъзи илмлар бўйича ундан сабоқ олган эди. Бу – жуда муҳим бир факт.

Атторнинг назмий мероси – тахминан 120 минг байт атрофида.

Аттор ҳижрий 627 (милодий 1220/21) йили мўғул аскарлари қўлида шаҳид бўлган. Қабри – ҳозирги Эроннинг Нишопур шаҳрида. “Махлас ниёзмандлардин баъзи”, яъни ихлосманд умидворлардан бири, яна ҳам аниқроғи – Навоийнинг ўзи Шайх қабри узра руҳафзо, яъни чиройли иморат курдирган. Лекин Навоий, миннат бўлмасин деб, очик қилиб, мен курдирдим, демаган. Навоийшунос Суйима Ғаниева бу мақбара ҳақида шундай деб ёзади: “Навоий ўздан олдин ўтган кўплаб алломалар қабрини обод қилиб, мақбараларини таъмирлатгани – манбалардан маълум. У 1497 йил Нишопурда бўлганида хароба ҳолига келиб қолган Шайх Фаридиддин Аттор мақбарасида ҳам ана шундай ободонлаштириш ишларини амалга оширишда бош-қош бўлган. Ҳозирги вақтда мақбара Навоий таъмир қилдирган ҳолатида сақланяпти”. Буни ўша мақбара зиёратида бўлган киши айтаётгани – эътиборли. “Насойим ул-муҳаббат...”даги замонавий нашрда бор-йўғи икки ярим саҳифадан ошиқроқ жойни эгаллаган бу ихчам мақола – Аттор ҳақида энг муҳим маълумотларни қамрагани билан аҳамиятли ва у балоғат, яъни оз сўз билан кўп маънони ифодалаш илмида аксар қаламкашларга ўрناк бўла олади.

“Насойим ул-муҳаббат...”да, бундан ташқари, яна олти ерда Аттор эсланади. Уларни гуруҳлаштириб ўтирмай, кетма-кетлиги бўйича кўриб ўтиш – тўғрироқ бўлса керак. Шунда Навоий бу улуғ Шайхни нима мақсад ва сабаблар билан тилга олгани янада ойдинлашади, деб ўйлаймиз.



“Бисмиллохир раҳмонир раҳим” деб бошланган муқаддимадаёқ Аттор номи асарлари мазкур тазкирага асос бўлган муаллифлар қатори тилга олинади: “...Ҳазрат Шайх Фаридиддин Аттор қуддуса сирриху битиган “Тазкират ул-авлиё”дин баъзи қибор машойхким, “Нафаҳот ул-унс”га дохил бўлмабдур эрди – ҳар қайсини муносиб маҳалда (демак, муайян ва қатъий тартибга амал қилган ҳолда дохил қилдим...” Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, “Насойим ул-муҳаббат...”нинг айни ҳолатда ёзилишига бевосита Атторнинг тазкираси ҳам муҳим асос бўлган.

Келажакда қай бир тадқиқотчи “Нафаҳот ул-унс...”, “Тазкират ул-авлиё” ва “Насойим ул-муҳаббат...”ни ёнма-ён қўйиб, эринмай ўзаро қиёслаб, Навоий Аттордан айнан қайси шайхлар ҳақида маълумотларни олгани, бунда қай бир ижодий қатъиятларга амал қилгани, улар замирида муаллифнинг қандай мақсад-муддаолари ётганини аниқлаштиради, айни муддао бўлур эди. Баҳонада мумтоз тазкирачилигимиз ва таржимачилигимизнинг кўп ўзига хосликлари аёнлашган ҳам бўлар эди, албатта. Бу – қиёсий адабиётшунослигимизнинг навбатдаги вазифалари сирасига қиради.

“Насойим ул-муҳаббат...”да ҳаёти ва фаолияти ҳақида биринчи бўлиб маълумот берилган зот – Шайх Увайс Қараний. Навоий пайғамбаримиз Муҳаммад(с. а. в.)нинг мураққаси (хирқаси), ул зот васиятига кўра, шу авлиёга теккани ҳақида ёзар экан: “...Бу маънида сўз – кўпдур. Шарҳи била билайин, деган киши “Тазкират ул-авлиё”ни ўқисун. Онинг ҳолатини тамом битиса, яна бир бошқа китоб битимак – керак”, – дейди. Муаллиф у ҳақида фикрларини тугатар экан: “Анинг манокимиби зикрин тилаган киши ҳазрат Шайх Фаридиддин Аттор қуддуса сиррихунинг “Тазкират ул-авлиё”сида тиласунки, вофий битибтур”, – деб ёзади.

Таъкидлаб ўтилганидек, Мавлоно Румий ижодини Фаридиддин Аттор таъсирисиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Шунинг учун Навоий тазкирасининг Румий ҳақидаги мақоласида яна Аттор тилга олинishi

ши – ҳар тарафлама табиий. Бу парчадан Аттор ва Румий ўзаро муносабатлари ҳақида қисқа, лекин муҳим маълумотни билиб оламиз: “Маккага борурда Нишобурда Шайх Фаридиддин Аттор қуддуса сирриху суҳбатига етиштилар. Шайх “Асрорнома” китобин аларга берган экандур. Доим ўзлари била асрар экандурлар”. Демак, Аттор ёш Румийга “Асрорнома” дostonини совға қилган, Мавлоно уни ҳамиша ўзи билан олиб юрар экан. Тасаввуфда шундай расм – бор: пир муридга ашъвий бирон нима тухфа қилади, шу орқали руҳий таъсир ўтган бўлади (Масалан, Бобойи Самосий Хожа Баҳоуддинга бир бўрк, яъни бош кийими берган, шунинг шарофати билан Баҳоуддин балоғардон, яъни балоларни қайтарувчи бўлган).

Чалабий Ҳисомиддин Ахий Турк тўғрисидаги маълумотлардан Румийнинг буюк “Маснавийи маънавий”си бевосита Санойининг “Илоҳийнома”сию Атторнинг “Мантик уттайр”ию “Мусибатнома”си йўлида, демакки, таъсирида битилди. Зотан, “Маснавийи маънавий” ҳам “Мантик уттайр” оҳангида – рамали мусаддаси мафхуз (ёки мақсур) вазнида ёзилган.

Навоийнинг “Фоний” тахаллуסי билан ёзилган “Лисон ут-тайр” дostonида, худди “Мантик ут-тайр”дагидек, кўплаб тарихий шахслар, аксарият шайхлар тимсоли – мавжуд. Улар орасида Шайх Санъон алоҳида ажралиб туради “Насойим ул-муҳаббат...”да Шайх Санъон ҳақида махсус мақола – мавжуд. Бироқ бу ерда Навоий гапни жуда қисқа қилади, ҳатто, “Нафаҳот улунс...”га ҳам, “Тазкират ул-авлиё”га ҳам ҳавола бериб ўтирмайди, чунки “Мантик ут-тайр” – борда. Гапни шу дostonдан бошлаб, шу дostonга ишора билан тугатади: “Онинг бузурглигин ҳазрат Шайх Фаридиддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” отлиғ китобини ўқуғон киши билур... Бовужуд бу бийик маротиб улча ишқ ошубидин ва муҳаббат лагадқўбидин Шайх бошига тушубдур, анинг абнойи жинсиға йўқким, ҳеч бани одамга тушмаганини ҳар киши “Мантик ут-тайр” китобини ўқуса, маълум қилур”.

Шайх Санъон ҳақида гап кетаётган бўлса ҳам, Навоий ўзининг “Лисон ут-тайр”ида у ҳақида катта боб борлигини қайд этмаган. Чунки “Насойим ул-муҳаббат...” тазкираси битилаётганда ҳали шоир бу машхур дostonини ёзмаган эди.

Маълумки, Навоий замонида қадар форсийда қалам сурган буюк шоирлар кўп эди. Масалан, Фирдавсий, Санойи, Румий, Анварий, Низомий, Саъдий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Жомий... Уларнинг ҳар бири ҳақида улуғ ўзбек шоирининг айрича-айрича фикр-қарашлари – бор. Таҳлилларимиз орқали унинг Фаридиддин Атторга муносабати эса тамоман бўлакча эканини кўрдик.

“Лисон ут-тайр”да ҳам Аттор кенг ва атрофлича таъриф ва тавсиф этилади. Аммо бу – бошқа мақолага мавзу.

Султонмурод ОЛИМ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими.